

Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида

ШАРТНОМА №27743

Тошкент ш.

2022 йил “20” 06

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “YANGI-HAYOT PROJEKT” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва АЛ-001759-сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор Раимбердиев А.Н. иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022йил 16-июндаги 100127-сонли танлов натижаларига кўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи **Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани 221-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш. Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун (АРТ 1-2, геология, топохарита ва ЗВОС ни ҳисобга олган ҳолда)** объекти учун лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиха;
- жорийнаҳлардаги смета ҳисоби;
- АРТ 1-2 харажатлари;
- Топохарита харажатлари;
- Геология харажатлари;
- (ЗВОС) харажатлари.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойихалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойихалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиха ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиха тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (**ҚҚС билан**) **64 500 000 (Олтмуш тўрт миллион беш юз минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг вақолатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси

ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчи куйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инobatта олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусxada ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи куйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларикамчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатларива бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларинибепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиха-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиха-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиха-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиха-смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиха-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиха-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик курилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиха-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бор иши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;

- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктирса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдириш нома юбориши шарт.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф

равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувиининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.6. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:


- 1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;
- 2-илова – Календар иш жадвали;
- 3-илова - Лойиха тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти "YAGONA
BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING
KOMPAANIYA" DJK

Юридик манзили: **100027, Тошкент ш., И.Каримов кучаси, 16а-уй.**



Директор в.б. **Р.У. Кучкаров**

БАЖАРУВЧИ

"YANGI-HAYOT PROJEKT" MCHJ

Адрес: г. Ташкент, ул. Ахангаранский шоссе. Д-6, кв-2.
Тел: +99897 410 02 13
P/c: 20 208 000 9053 7281 4001
ШБ Эрон "Содерот" Банки Тошкент ш.
МФО 00950
ИНН 308372631- ОКЭД – 41100

Директор **Раимбердиев А.Н.**



«20» * 06 2022й.

Тошкент шаҳар

“Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани 221-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун(АРТ 1-2, геология, топохарита ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси йиғилишининг
БАЁНИ

Комиссия аъзолари:

С. Сағдиев	-Бош муҳандис в.б.
Ш. Қодиров.	-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи
Хамидов О.	-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи
Турсунов З.	-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БХМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади)
Абдусатторов П.	-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси
Холмаматова М.	-БРБЛ ва ТХРОТ 1-тоифали мутахассиси

КУН ТАРТИБИ

“Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани 221-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун(АРТ 1-2, геология, топохарита ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)” объекти бўйича(кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р.Кучкаров, С.Сағдиев, Ш. Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, М. Холмаматова)

Компания томонидан 2022 йил 06 июн куни Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 00127 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва қўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “YANGI-HAYOT PROEKT” МСНҲ ғолиб бўлганини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.


2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.


Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 16 июндаги электрон баённомасига асосан “Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани 221-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун(АРТ 1-2, геология, топохарита ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)” объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “YANGI-HAYOT PROEKT” МСНҲ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.


Комиссия аъзолари.


С. Сағдиев



Ш. Қодиров


О. Хамидов


П. Абдусатторов


М. Холмаматова

"Т.А.ДИККАТДИЯН" Тошкент шаҳар ҳокимлигининг биринчи ўринбосари



С.С.Раҳмонов 2022 й

"Келишилди"

Тошкент шаҳар Иқтисодий тараққиёт ва кенгайтирилган қишлоқ қишлоқчилик бўлими бошқармаси

Ш.Шукуров 2022 й.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИКнинг
Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2022 йил 30 майдаги 561-14-0-0/22-сонли қарорин
Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил 1 январь ҳолатига шомилланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан
2022 йилги МАНВИЛЛИ ҒУЙҲАТИ


№	Объектлар номи ва мақоли	Қурилиш бошланиши ва объектнинг таъмири тошариши йили	Лоёҳа қуввати	Объектнинг умумий қиймати (партоқча асосда) жумладан, буюртмачи, бошқа харажатлари.	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга Утувчи объект қиймати жумладан, буюртмачи, бошқа харажатлари.	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга Утувчи объектнинг умумий қиймати (айта ҳисоблаш бўлими) қиймати жумладан, буюртмачи, бошқа харажатлари.	01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга Утувчи объектнинг умумий қиймати (айта ҳисоблаш бўлими) қиймати жумладан, буюртмачи, бошқа харажатлари.	2022 йилда фойдаланишга тошариладиган		2022 йил учун қилган қўйилmalar даражаси				01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга Утувчи объектнинг умумий қиймати (айта ҳисоблаш бўлими) қиймати жумладан, буюртмачи, бошқа харажатлари.	Экспертга ҳужжатларни қўйилмас рақами ва санои	Тендер (танлов)лар натижасига бўйича Ўзбекистон Республикасида рақами	Ташкилот номи		
								Қувватлиги	Асосий фонд суммаси	Жами қилган қўйилmalar	шў жумладан		12					13	
											Куралдан - монтаж ишлари	Жаноз							Буюртмачи бошқа харажатлари
1	Жами қилган қўйилmalar	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
36								5 000,000			5 000,000								
1	Серғали туманидаги 12-сон оилавий поликлиникасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			✓		Объект						Тендер
2	Юнусобод тумани 4-сонли фитнесгама дистрикционни реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			✓		Объект						Тендер
3	Юнусобод тумани 53-сон оилавий поликлиникасини музлаш ташкили	2022й	Объект					97,500			✓		Объект						Тендер
4	Мирзо Улугбек тумани 8-сон оилавий поликлиникасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			✓		Объект						Тендер
5	Мирзо Улугбек тумани 70-сон оилавий поликлиникасини музлаш ташкили	2022й	Объект					97,500			✓		Объект						Тендер
6	Мирзо Улугбек тумани 26-сон оилавий поликлиникасини музлаш ташкили	2022й	Объект					97,500			✓		Объект						Тендер

№/р	Объектлар номи ва мазмун	Қурилиш бошқаруши ва объектларнинг фойдаланиш шартлари йили	Лойиҳа қувадиган ушбу объектларнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, бўғалдан, бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қиймати (айта қилинган бўлса) жумладан, бўғалдан, бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қиймати (айта қилинган бўлса) жумладан, бўғалдан, бошқа харажатлари	2022 йил учун капитал қўйимлар дивиденти						2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қиймати (айта қилинган бўлса) жумладан, бўғалдан, бошқа харажатлари	01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қиймати (айта қилинган бўлса) жумладан, бўғалдан, бошқа харажатлари	Экспертиза ҳуқуқсиз рақами ва саноати	Тезкор (тиллов)лар натижасига бўйича Ўзбекистон рақами ва саноати	Ташкилот номи	
						Жили капитал қўйимлар		Жами		Бугунгилари бошқа харажатлари		Қувадиган объект	Асосий фонд суммаси						
						Жили	Жами	Жили	Жами	Жили	Жами								
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
16	Яшнобод тумани 30-сон оилавий поликлиинасани мукаммал таъмирлаш	2022й	Объект					92,500			92,500		Объект						Тешер
17	Яшнобод тумани 31-сон оилавий поликлиинасани фойдаланишга топшириш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект						Тешер
18	Яшнобод тумани 32-сон оилавий поликлиинасани фойдаланишга топшириш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект						Тешер
19	Шайхонқоҳур тумани 42-сон оилавий поликлиинасани фойдаланишга топшириш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект						Тешер
20	Юнусобод тумани 97-сонли мактабга таълим ташкилотини мукаммал таъмирлаш	2022й	Объект					90,400			90,400		Объект						Тешер
21	Юнусобод тумани 307-сонли мактабга таълим ташкилотини реконструкция қилиш	2022й	Объект					113,500			113,500		Объект						Тешер
22	Юнусобод тумани 366-сонли мактабга таълим ташкилотини реконструкция қилиш	2022й	Объект					113,500			113,500		Объект						Тешер
23	Юнусобод тумани 235-сонли мактабга таълим ташкилотини реконструкция қилиш	2022й	Объект					113,500			113,500		Объект						Тешер
24	Юнусобод тумани 191-сонли мактабга таълим ташкилотини реконструкция қилиш	2022й	Объект					113,500			113,500		Объект						Тешер

№/п	Объектлар номи ва мақсади	Қурилиш бошланғич фаёдалиги топшириш йили	Лоёқат қўйиш	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, бўғаллаш, боёқлаш, бўғаллаш, ҳарajatлари	01.01.22 й. ҳолатига объект қиймати жумладан, бўғаллаш, боёқлаш, бўғаллаш, ҳарajatлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими қиймати жумладан, бўғаллаш, боёқлаш, бўғаллаш, ҳарajatлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими қиймати жумладан, бўғаллаш, боёқлаш, бўғаллаш, ҳарajatлари	2022 йил учун капитал қўйималар лойиҳи шу жумладан				2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими қиймати жумладан, бўғаллаш, боёқлаш, бўғаллаш, ҳарajatлари	Экспертиса хулосаси рақами ва санаси	Ташкилот номи			
								Жами капитал қўйималар	Қурилиш - монтаж ишлари	Жанс	Бюроғамчи бошқа харajatлари	Жумладан, савоаш харajatлари	Кўмак/ау дат				Ассей фонд суммаси		
																		10	11
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
7	Ользор тумани 20-сон оилавий поликлиинасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект						Ташкерт
8	Учтепа тумани Туман кўп тармоқли марказий поликлиинасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					200,100			200,100		Объект						Ташкерт
9	Учтепа тумани 23-сон оилавий поликлиинасини мутаамал таъмирлаш	2022й	Объект					92,500			92,500		Объект						Ташкерт
10	Бекташар тумани Туман кўп тармоқли марказий поликлиинасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект						Ташкерт
11	Чиланзор тумани 36-сон оилавий поликлиинасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект						Ташкерт
12	Миробод тумани 1-сон оилавий поликлиинасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект						Ташкерт
13	Янгиқасаб тумани Туман кўп тармоқли марказий поликлиинасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект						Ташкерт
14	Янгиқасаб тумани Туман кўп тармоқли марказий поликлиинасини ассей бизнесини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500		Объект						Ташкерт
15	Янгиқасаб тумани 58-сон оилавий поликлиинасини мутаамал таъмирлаш	2022й	Объект					92,500			92,500		Объект						Ташкерт

№/р	Объектлар номи ва мақсди	Қурилиш бошланғич фаёзлаш ва таъмирлаш йили	Лойиша қураётган	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, бўлувчилари, бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қиймати жумладан, бўлувчилари, бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қиймати жумладан, бўлувчилари, бошқа харажатлари	2022 йил учун шартнома бўйича қўйилган лимити				2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қиймати жумладан, бўлувчилари, бошқа харажатлари	01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қиймати жумладан, бўлувчилари, бошқа харажатлари	Экспортга қўйилган рақам ва саноат	Ташкилот номи				
							Жили	Жисос	Қурилиш - монтаж ишлари	Жили	Жисос	Кўмаклашувчи дот					Асосий фонд сўмлари			
																		Жили	Жисос	Қурилиш - монтаж ишлари
1		2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
25	Юнусобод тумани 221-сонли мактабга тилим ташкилотида реконструкция қилиш	2022й	Объект						113,500			113,500		Объект						Ташкилот
26	Юнусобод тумани 288-сонли мактабга тилим ташкилотида реконструкция қилиш	2022й	Объект						113,500			113,500		Объект						Ташкилот
27	Юнусобод тумани 259-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш	2022й	Объект						134,000			134,000		Объект						Ташкилот
28	Юнусобод тумани 265-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш	2022й	Объект						134,000			134,000		Объект						Ташкилот
29	Юнусобод тумани 96-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш	2022й	Объект						134,000			134,000		Объект						Ташкилот
30	Тошкент шаҳар санитария эпидемиология оқошпағлиги ва жамоат саломатлиги хизмати биносини реконструкция қилиш	2022й	Объект						92,500			92,500		Объект						Ташкилот
31	Миробод тумани Тушан санитария эпидемиология оқошпағлиги ва жамоат саломатлиги хизмати биносини мукаммал таъмирлаш	2022й	Объект						91,000			91,000		Объект						Ташкилот
32	Мирзо Улуғбек тумани Тушан санитария эпидемиология оқошпағлиги ва жамоат саломатлиги хизмати биносини мукаммал таъмирлаш	2022й	Объект						91,000			91,000		Объект						Ташкилот
33	Сертеди тумани Тушан санитария эпидемиология оқошпағлиги ва жамоат саломатлиги хизмати биносини мукаммал таъмирлаш	2022й	Объект						91,000			91,000		Объект						Ташкилот

№/р	Объектлар номи ва манзили	Куришиш бошланishi ва фойдаланишга тошпирилishi йили	Лойiha кувати	Объектнинг умумий қиймати (шартнома бўлиши, жумладан, бўлулмаши, бошқа харажатлари)	01.01.22 й. ҳолатига объект қиймати жумладан, бўлулмаши, бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириши қиймати жумладан, бўлулмаши, бошқа харажатлари	2022 йил учун капитал қўйимлар дивиденти				2022 йилда фойдаланишга тошпирилгани		01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг умумий қиймати жумладан, бўлулмаши, бошқа харажатлари	01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг умумий қиймати жумладан, бўлулмаши, бошқа харажатлари	Экспертиса хулосаси рақам ва санои	Текшюр (ташқил)лар қиймати рақам ва санои	Ташқиот номи		
							Жами капитал қўйимлар	Куришиш - монтаж ишлари	Жисоз	Иш жумладан Бюджетдан бошқа харажатлари	Жами	Кураат/му длат						Асосий фонд суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
34	Учтепа тумани Туман санитариya эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати биносини мукаммал таъмирлаш	2022й	Объект					91,000			91,000		Объект						Тешюр
35	Юрғубола тумани Туман санитариya эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати биносини мукаммал таъмирлаш	2022й	Объект					91,000			91,000		Объект						Тешюр
36	Янгибоб тумани Туман санитариya эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати биносини мукаммал таъмирлаш	2022й	Объект					91,000			91,000		Объект						Тешюр



Handwritten signature or mark at the bottom right of the page.